

1889 1929



Хамза Хақимзода Ниёзий узбек маданиятининг йирик намояндаларидан бўлиб, Абдулла Кодирий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Боту, Гулом Зафарий каби атокли санъаткорлар билан бир сафда туришга муносиб ижодкор. Хамза ҳам улар каби халқнинг миллий уйғонишида, янги узбек адабиётини барпо этишда катта жонбозлик кўрсатган ва улар каби мустабид тузумнинг курбони бўлган.

Тўғри, унга "миллатчи", "пантуркист", "халқ душмани", "буржуа мафкурачиси" деган тавки лаънатлар ёпиштирилгани йўқ; уни маъмурий идораларга чақириб сўрок қилмадилар, тахқирлаб, қийноқларга дучор қилиб, дўзах азобини бошига солмадилар. Хамма энг сара зиёлилар катори сургун қилинган ёки НКВД ертўлаларида отиб ташлангани йўқ. Аксинча, 1929 йилда Шохимардонда кўзи қонга тўлган вахший оломон кўлида халок бўлганидан кейин кўп ўтмай Хамза йирик шўро ёзувчиси сифатида улуглана бошлади. Хаётлигида етти ухлаб тушига қирмаган иззат-икромни у ўлганидан кейин кўрди. Эллик йил мобайнида унинг шаънига айтилмаган мактов қолмади. Бу хамдусаноларга қараб ҳукм қилса, Хамзанинг малоикалар сафидан ўрин олишига бир баҳя қолгани — бунинг учун унинг икки қураги устига бир жуфт қанот қўндириб қўйса қифоя эди. Мабодо мўъжиза рўй бериб, Хамза тирилиб қолса, театр сахналарида, кино экранларида, бадиий асарлар саҳифаларида ўзини кўриб, "илмий" тадқиқотлар, китоблар, мақолалардаги баландпарвоз гапларни ўқиб, ўзини таниёлмай қолиши муқаррар эди. Шу заминда шўро мафкураси Хамзани оккигизга ўтқазиб, эгасиз қолган адабиёт тахтига чиқариб қўйди. Хўш, нега энди Хумо қуши қелиб-қелиб айни Хамзанинг бошига қўнди? Бунинг сабабини англамоқ унча қийин эмас. Большевиклар ҳокимият тепасига қелгач, зиёлиларга нисбатан алмисокдан қолган "қамчи ва ширин қулча" сиёсатини қўллади. Бу сиёсатга қўра зиёлиларнинг бир қисми қувғинга ўчради, зиндонларга ташланди. Оммавий қатлиом қилинди, мамлакатдан қувилди, иккинчи қисмининг эса пешонаси қиланди, турли-туман рағбатларга, шўровий имтиёзларга қўмилди. Биронтаси бехосдан "Қирол яланғоч-қу!" деб юбормаслиги учун шўро ҳукумати уларни алдаб-сулдаб, қўйини пуч ёнгоққа тўлдиришга мажбур эди.

30-йилларнинг ўрталарида Октябрь инқилобининг 20 йилдигини нишонлашга тайёргарлик бошланди. Бирок маълум бўлдики, мафкура соҳасида зудлик билан бартараф қилмаса бўлмайдиган ўпқонлар бор экан. "Инқилоб ҳамма миллатларга янги ҳаёт олиб қелди, уларнинг адабиёти, санъатини яшнатди" деб жар солинади. Албатта, ўзбеклар ҳам бунда бенашиб қолгани йўқ. Аммо қани ўша гуллаб-яшнаган янги адабиёт? Қани уни барпо этаётган удабо-ю шуаро? Дзержинский шоввозлари енг шимариб ишга қиришмаси экан — азаматлар қизишиб кетиб, вазифаларини юз қандон ошириб

бажаришипти: бошка халкларники каби ўзбек адабиётида ҳам уч-тўртта ёш-ялангни айтмаса, ёзувчи зоти кирилиб кетипти. Ахир, инсоният тарихи-да янги саҳифа очган Октябрь инкилоби галаба қилган бўлса-ю, биронта ўзбек шоири уни қувонч билан қарши олиб, олқишламаган бўлса, шўролар шаънига икки оғиз илик гап айтмаган бўлса? Буни қандай изохлаш мумкин? Холбуки, ҳар бир миллий адабиётда халқ номидан Октябрни қутлаган ИНКИЛОБ КУЙЧИСИ бўлмоғи керак. Бунақа куйчи бўлмаса, уни янғидан ясаш керак... Хуллас, ўша йилларда бу ролга Ҳамзадан муносиброк одам топилмади. Шундай қилиб, шоирни ўзлигидан махрум қилиб, оддий бир кўғирчокка айлантириш жараёни бошланди. Бошқача айтганда, ўз вақтида омади қелиб, шўроларнинг қатли омидан омон қолган Ҳамза кейинчалик ҳукмрон мафкура манфаатлари йўлида қурбон қилинди.

30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ҳамза ҳақида кўплаб китоблар ёзилди, юзлаб мақолалар пайдо бўлди, бехисоб маърузалар ўқилди, нутқлар ирод этилди. Албатта, уларнинг теранлиги, савияси ҳар хил эди, лекин уларни бир-бирига яқинлаштирадиган муштарак томони ҳам бор эди: уларнинг ҳаммасида Ҳамза шаънига айтилган мактовлар муттасил кўтарилиб борарди. Аммо таассуфли томони шунда эдики, мактовларнинг аксарияти реал заминга эга эмас эди. Албатта, эллик йил мобайнида ҳамзашунослар шоир ижодини ўрганишда муайян самараларга эришди — Ҳамза биографияси батафсил ўрганилди, архиви тавсиф этилди, мероси аниқланди, йўқолган ҳисобланган баъзи асарлари топилди. Аммо шу билан бирга Ҳамза ҳақида кўплаб мифлар, ҳақиқатдан узок афсоналар, ёлгон-яшиқ гаплар ҳам тўқилдики, уларда Ҳамзанинг асл қиёфаси батамом бузиб кўрсатилди. Табиийки, бу ёлгоннинг энг қаттаси шоирнинг Октябрь инкилобига муносабати масаласида тўқилган эди. "Бир ёлгонда қирк ёлгон" деганларидек, Ҳамза тўғрисидаги бошка ёлгонлар шундан бошланган. Турли шаклларда, турлича эҳтирос ва жўшқинлик билан олға сурилган қарашларга кўра Ҳамза инкилобдан олдинок коммунистик дунёқараш тугал шаклланиб етган изчил марксист бўлган, большевиклар сиёсатини чуқур англаб, уни ўз эътиқодига айлантирган. Аммо Ҳамза ҳақидаги асарларнинг ҳеч қайсисида шоирнинг марксистик дунёқарашини моҳиятан нималарда намоён бўлиши ва қайси манбалар асосида шаклланиши ҳақида лом-мим дейилмайди. Дарҳақиқат, инкилобдан олдин (ва ҳатто инкилобдан кейин ҳам) Ҳамза Маркс асарларини мутолаа қилганми? Мутолаа қилган бўлса, қайси тилда? Уларни қаердан олган? Ленин асарларини-чи? Ёки шоирдаги коммунистик эътиқод кўча намоёнлигида, митингларда айтилган хитоб ва шiorлар таъсирида шаклланиганми? Бундай дейилса, Ҳамзанинг инкилобдан олдин биронта намоён ёки митингда қатнашгани ҳақида бирон бир материал йўқ. Савол кўп, лекин тадқиқотчиларнинг ҳеч қайсиси бунақа саволларга жавоб беришга уринган ҳам эмас. Улар учун Ҳамзанинг инкилобдан олдинок изчил марксист бўлиб этилгани шубҳа тугдирмайдиган факт. Шундоқ бўлгач, Ҳамза, албатта, Октябрни биринчи қадамлариданок зўр шодиёна билан қутиб олади-да! Тадқиқотчилар бу билангина чекланмайди. Уларнинг таъқидлаши-ча, Ҳамза умрининг охиригача шўро шоири сифатида садокат билан ижод қилган ва ҳатто ўзбек адабиётида биринчи бўлиб социалистик реализмни жорий этган. Шўро адабиётшунослигида бу қараш шу қадар илдиз отиб кетган эдики, ҳатто ошқоралик ва қайта қуриш йилларида коммунистик мафкура остин-устун бўлиб кетган шароитда ҳам сира ўзгаргани йўқ. Ҳамза таваллудининг юз йиллиги муносабати билан тайёрланган ва 1988 йилда чоп этилган "Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари" деган китобда шундай дейилади: Ҳамза "ижтимоий фаолияти ҳам бадиий ижоди билан социалистик революцияни

олкишлаган янги тип санъаткор ва шу характери билан совет ёзувчиси канака бўлиши кераклигини ёркин намоёиш килувчи ажойис шахс эди".

Муаллиф давом этиб, фикрини чуқурлаштиради: "Коммунистик партия сиёсатини Октябрь инкилоби арафасидаёқ ўзининг ижтимоий эътиқоди деб қабул қилган шоир умрининг охиригача унга содик қолди ва бутун қобилиятини Ленин партиясининг адолатли ишига башлади".

Хамза хақидаги бундай қарашда илмдан кўра сиёсат қучли, мантиқдан кўра эҳтирос ва ҳаяжон устун. Бу қараш илмий умумлашмадан кўра минбардан туриб қўлни паҳса қилиб айтиладиган ширга ўхшайди. Аслида ҳам шундай — у юқоридан туширилган партиявий кўрсатмадан ўзга нарса эмас, бинобарин, унга шак қелтириб бўлмайди, уни таҳлил қилиш эмас, балки қимматли дастуриламал сифатида қабул қилиш керак. Шунинг учун ўзбек адабиётшунослари бу кўрсатмани бемустасно хамзашуносликнинг "бисмилло"сига айлантириб олдилар, яъни уни Хамза ижоди билан боғлиқ ҳамма муаммоларни ҳал қилиб берадиган методологик қалит қилиб бўйнига осиб олганлар. Улар Хамза ижодининг қай муаммоси хақида мулоҳаза юритмасин, бутун таҳдилни Шу тезисга мослаштиришга ҳаракат қилишарди. "Хамза — инкилоб қуйчиси" деган гап ярим аср давомида такрорлана-такрорлана бадан-баданларимизга шу қадар сингиб қетдики, "Хамза инкилобчи шоир бўлган эмас" деган гапни эшитиш биланок ич-ичимизда унга қарши алланечук норозилиқ уйғонади, ҳар қандай мантикий далиллардан кўз юмамиз-да, ўзимиз учун ардоқли бўлган эски ақидаларимизни ҳимоя қилиш йўлларини излай бошлаймиз. Аммо ҳаётий фактлар асосида объектив фикр юритадиган бўлсак, ўша даврдаги ҳақиқий вазиятдан қелиб чиқиб ҳукм қиладиган бўлсак, бир қатор сабабларга кўра Хамза Ҳакимзода ва нафакат Хамза, балки ўша йилларда қоматини тиклаб олган бошқа қўпгина ўзбек зиёлилари ҳам Октябрь инкилобининг "оламшумул" аҳамиятини, меҳнатқаш омма тақдирида ўйнаган "ижобий" ролини англаб етиши мумкин эмас эди. Шундоқ экан, ўзбек зиёлилари Октябрь инкилобини биринчи қадамлариданок чексиз шод-хуррамлик билан қутиб олиб, унинг шаънига олам-олам ҳамду санолар ўқиши, мадҳиялар ёғдириши мумкин эмас эди. Мен бу билан ўзбек зиёлиларини қамситмокчи, ижтимоий фаолиятларини ерга уриб, иқтидорларини, ақл-зақоватларини шубҳа остига олмокчи эмасман. Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Абдулла Авлоний, Убайдуллахўжа Асадиллаҳўжаев, Сидқий Хондайлиқий қаби зиёлилар ўзларининг теран ва илғор фикрли одамлар эканини, ижтимоий ҳаётдаги тамойиллар ва йўналишларни тўғри идрок эта билишларини неча марталаб исбот қилишган. Масалан, Мунаввар қори 1905 йилдаёқ матбуотда эълон қилинган мақолаларида социал-демократларнинг синфий қураш хақидаги қарашларини қескин қоралаб қикқан ва бу назария фақат биродар-қушлиққа олиб қориб, қамиятни боши берк қўчага қиритиб қўйишини таъқидлаган эди. Ёқи Сидқий Хондайлиқий 1917 йилда "Русия инкилоби" деган қостон ёзиб, унда қоризм тузумини қуқур таназзулга олиб қорган ижтимоий сабабларни очиб қорган, турли тоифалар ўртасидаги сиёсий қураш манзараларини ҳаққоний қизиб қорганди. Шуларга қарамай, Мен ўша даврда ўзбек зиёлилари "большевиклар қояларини қабул қила олмас ва Октябрьни қабул қилаолмас эди" деяётган эканман, бунинг боиси қор, албатта.

Авалло бир саволга қавоб қерайлик, хўш, большевиклар партияси инкилоб арафаларида ва бевосита инкилоб қундарида ҳалқ ўртасида қенг шухрат қозонган, омма қомонидан, яъни "ёзилган меҳнатқашлар" қомонидан қўллаб-қувватланган партия эдимиз?

У турли ижтимоий табакалар ўртасида обрў козониб, бирон салмокли мавкега эга бўлганми? Бу савол айрим одамларга гайритабиий туйилиши мумкин — ахир, шу ҳам савол бўлдики? Большевиклар биринчи кадамданок халк манфаатлари учун курашган, шунинг учун бутун Россия империясида кенг халк оммаси томонидан кўллаб-куватлангани ҳаммага маълум-ку! Уларнинг шухрати зўр бўлганига шубха қилиш керак эмас. Бирок бундай караш шўро замонида хамминг кулогига мажбурлаб қуйилган гапларнинг оковасидан, эскича фикр юритиш оқибатидан ўзга нарса эмас. Маълумки, 1938 йилдан бошлаб ёшу қари барча совет халки тарихни "ВКП(б) тарихи. Киска курс" деган китоб бўйича ўқиб ўзлаштиришга мажбур эди. Китоб Сталиннинг кўрсатмаси билан ёзилган ва унинг тахрири остида чоп этирилган бўлиб, унда партия тарихи очикдан-очик сохталаштирилган эди. Аммо бу ҳақиқат ошқоралик даврида — 80 йиллар ўртасидагина аён бўлди. 60 йилларга қадар эса бу китоб шўроларнинг муқаддас китобига айланган, одамлар унга сажда қилишга мажбур этилган эди. Унинг ҳар бир жумласи мутлак ҳақиқат ҳисобланарди. Хукмрон мафкура фақат бу китоб эмас, бошқа воситаларни ҳам ишга солиб, одамларда большевиклар партиясининг улуглиги ҳақидаги тасаввурни сусайтирмасликка ҳаракат қиларди. "Ленин Октябрда", "Ленин 1918 йилда" каби фильмлар ва яна бошқа юзлаб бошқа жанрдаги асарлар шу мақсадга хизмат қилган. Ана шундай ашаддий ва узлуксиз ташвиқот тазйиқида фикри шаклланган одамлар большевиклар партияси инкилобдан аввал ҳам, инкилоб йилларида ҳам, ундан кейин ҳам умумхалк муҳаббатини қозонган, катта обрў-эътиборга эга бўлган деб ўйлашган. Холбуки, кейинги 15 йил ичида эълон қилинган тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича. кенг халк оммаси 1917 йилнинг 25 октябрга қадар большевиклар партияси тўғрисида деярли ҳеч нарса эшитган эмас, уларни кўллаб-куватлашни эса етти ухлаб тушларида ҳам кўрган эмас. Бу фикрни тасдиқловчи ўнлаб далиллар келтириш мумкин. Биргина мисол билан чекланаман.

"Адабиёт комуси"нинг биринчи нашрига Бош муҳаррир бўлган, ҳозиргача илмий-марифий қимматини йўқотмаган ўнлаб тадқиқотлар муаллифи, кейинчалик НКВД ертўлаларида махв этилган йирик адабиётшунос В.П.Полонский 1929 йилда чоп этилган "Инкилобий давр адабиёти очерклари (1917—1927)" деган китобида ёзишича. 1917 йил июнь ойида Советларнинг Биринчи қурултойида Ленин нутқ сўзлаб, "ҳозирги пайтда ёлғиз большевиклар партиясигина давлат ҳокимиятини қўлга олишга қурби етади" деганида бутун зал қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборган экан. Мажлисни бошқараётган Ф.А.Керенский анчагача зални тинчитолмагач, Лениннинг гапига "бунақа партия йўқ" деб изоҳ берган экан. Тўғри, орадан беш ой ўтар-ўтмас қўпчиликка унча таниш бўлмаган бу партия қуроли тўнтариш оқибатида ҳокимият тепасига келади. Аммо бу ҳол ўша пайтда большевиклар партияси жамиятда катта нуфузга эга бўлганидан эмас, балки Вактли ҳукуматнинг укувсизлиги, журъатсизлиги ва бекарорлигидан далолат беради, ҳолос. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг — инкилобдан 4—5 ойгина олдин империя пойтахтида яъни Санкт-Петербургда қўпчиликка яхши таниш бўлмаган бир партияни Россиянинг авлоқ ўлкаси ҳисобланмиш Туркистонда шоирлар билиб, гоёларини ўзлаштириб, қуроли тўнтаришини шоду хуррамлик билан қутиб олиши мумкинми? Юкорида номи зикр этилган Сидкий Хондайликий "Русия инкилоби" деган достонида инкилобни келтириб чиқарган сабаблар, уни амалга оширган ижтимоий қучларни кенг кўрсатган. Шоир, айниқса Русия империясидаги 1916—1917 йиллардаги вазиятни батафсил тасвирлайди, ҳатто рус давлатини бутун Европа назарида шармандаи шармсор қилган Григорий Раступиннинг кирдикорларини ҳам четда қолдирмайди. Аммо жамиятдаги ҳар бир

салмокли харакатни сезгирлик билан илгаб олган бу синчков шоир достонида большевиклар харакати тўғрисида тузукрок маълумот бермайди. Шу фактнинг ўзиёк большевикларнинг "шухрати" кандок бўлганини яққол кўрсатиб турипти. Шунинг учун Хамза ва бошка ўзбек зиёлилари "инкилобдан олдинок унинг гоёларини қабул қилган ва инкилобни зўр мамнуният билан қутиб олган" деган фикрда ҳақиқатдан кўра муболага қучли. Умуман, Хамза Ҳакимзоданинг 1917 йил мобайнида большевиклар томонида туриб, инкилоб галабаси учун қураш олиб борганини тасаввур қилиш анча қийин. Тўғри, бундай қараш тарафдорлари Хамзанинг 1917 йил сентябрь ойида ўтган Таъсис мажлисига сайловда фаол қатнашганини ва унда тўртинчи рўйхатга овоз беришга тарғиб қилганини айтишади. Маълумки, ўша сайловда большевиклар тўртинчи рўйхат орқали ўтиш-ган. Бирок айна шу рўйхатда большевиклар билан бирга мусулмон меҳнатқашлар иттифоқи ҳам қатнашган эди. Хўш, ўшанда Хамза тўртинчи рўйхатдаги большевиклар номзодини қўллаганмиди ёки мусулмон меҳнатқашлар иттифоқи учун овоз беришга даъват этганмиди? Бу саволга аниқ жавоб йўқ.

Шу ўринда яна бир нарсага эътиборни жалб қиламан — ҳадемай содир бўладиган Октябрь инкилобини "шоду хуррамлик билан" қутиб олиши қерак бўлган Хамза 1917 йилнинг октябрь ойида инкилобий фаолият майдонини тарқ этади ва алгов-далговлардан анча нарида бўлган Туркистон шаҳарига кетади. Тадқиқотчи Г.Мўминовнинг аниқлашича, Хамза Туркистонда 1918 йил март ойининг охиригача хусусий муаллимлик билан шугулланади. Албатта, ҳаётдаги бирор қодисага муносабат билдириш учун, уни қувватлаш ёхуд рад этиш учун одам бу воқеалар қараёнида шахсан иштирок этиши шарт эмас. Хамза ҳам олисдан туриб, Октябрь инкилобини "шоду хуррамлик билан" қутиб олиши мумкин эди. Аммо Хамза архивида сақланиб қолган ҳужжатларда ва бошка материалларда буни исбот қиладиган ишончли далилни учратмаймиз.

Маълумки, большевиклар Тошкентда ҳокимият тепасига 1917 йил 31 октябрь қуни қелган. Бирок совет ҳокимияти учун қурашда Хамза Ҳакимзода бевосита иштирок этмаганидек, бошка ўзбек зиёлилари ҳам қатнашган эмас. Кейинчалик большевиклар шуни рўқач қилиб, бир неча муддат мобайнида маҳаллий миллат вақилларини давлатни бошқаришга яқин йўлатишган эмас.

Қуллас, большевиклар қуролли тўнтаришда қолиб қикқан бўлсалар-да, бу уларнинг довругига довруг қўшгани йўқ — ўзининг тирикчилиги билан андармон бўлган халқ оммаси яна анча вақтгача уларга нисбатан қоқайд ва бефарқ қолаверади.

Шунинг учун "ўзбек шоирлари ва биринчи навбатда, албатта, Хамза Ҳакимзода биринчи қунданок инкилобни севинч билан қутиб олди ва зўр қўтаринқилик билан унинг гоёларини тараннум этди" деган гақни кейинчалик ҳуқмрон мафқура тазйиқида тўқиб қикарилган афсона деб қараш қерак.

Шу ўринда қитобқонда қиддий эътироз тугилиши мумкин — ақир, Хамзани "инкилоб қуйқиси" деб атақидиган адабиётшуносларнинг ҳаммаси ўз фикрини исботловқи далил сифатида шоирнинг маълум ва машқур инкилобий шеърларини қелтиради-қу? Ақир, Хамзанинг ўзи ўз оғзи билан "Яша Шўро!", "Битсин қолим бойлар!", "Қурамиз янқи турмушни қажон иқра" дея қайқирган-қу? Унинг қиндан ҳам инкилоб шоири бўлганига бундан орқик яна қандай далил қерак? Дарқақиқат, бу эътироз гоёт асослидай, ҳеч нарса билан рад қилиб бўлмайқидандай қўринади. "Яша Шўро", "Қой, ишқилар",

"Ишчилар, уйгон!", "Биз ишчимиз", "Хой, хой отамиз" каби шеърларда муайян инкилобий рух бор — шоир чинданда "эзилган меҳнатчилар"-нинг ёругликка чиқишини истайди. Бунинг учун уларга ўз эркини кўлга олишга, "конхўр корин бойлар"га қарши курашга чакиради. Бундай чакириқлар инкилоб хитобларига ҳамоҳанг. Хўш, шундоқ экан, бу шеърларни ҳеч иккиланмасдан Ҳамзанинг большевикларга муҳаббати ва янги тузумга садокатининг рамзи деб қараш мумкин эмасми?

Бир қарашда бу саволга ижобий жавоб бериш мумкиндай кўринади. Бирок масалага Ҳамзанинг гоёвий эволюцияси нуқтаи назаридан қаралса, "инкилобий шеърлари"ни алоҳида ажратиб олмаёй, лоқал уч-тўрт йиллик ижоди бағрида текшириладиган бўлса, аён бўладики, юқоридаги саволга дабдурустдан ижобий жавоб бериш қийин. Гап шундаки, халқнинг оғир қисматини ўйлаш, унинг эркин ва фаровон келажагини кўмсаёй, шу олижаноб ниятни амалга ошириш йўлларини излаш Ҳамза ижодида инкилоб йилларида эмас, анча олдин намоён бўлган. Қолаверса, бундай гоёвий йўналиш биргина Ҳамза эмас, балки жамики жаҳид шоирларининг ижоди учун ҳам характерли эди. Улар, айниқса, халқни мислсиз асоратга солган, жаҳолат ва нодонлик зулматида тутиб турган чор амалдорларидан қаттиқ нафратланар эдилар. Шунинг учун тараккийпарвар ўзбек зиёлиларининг ҳаммаси оқ подшоҳни тахтдан воз кечишга мажбур қилган феврал инкилобини халқка чинакам хуррият олиб келган инкилоб деб ўйладилар. Аммо уларнинг умидлари рўёбга чиқмади — Керенский бошлиқ Муваққат ҳукумат даврида моҳиятан ҳеч нарса ўзгармади — халқнинг кўкрагига шабада теғмади. Зиёлилар яхши кўнларни қутишда давом этдилар. Ниҳоят, 1917 йил 25 октябрда большевиклар ҳокимиятни кўлга олди. Улар даври-даврон сурган кезларда халқ кўзидан яшириб келган гаройиб ҳислатлари бор экан — ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш йўлида большевиклар ҳеч қандай фирибгарликдан, ҳар қандай виждонсизликдан қайтмас экан. Улар ҳеч қанча хиҳолат чекмай, ўзларини меҳнатқаш халқнинг яққа-ю ягона ҳомийси ва хи-моёчиси деб атадилар, биронта халқ вақили билан маслаҳат қилмай, уларнинг хоҳишлари-ю қарашларини назар писанд қилмай, ҳамма ишларини халқ номидан қилдилар, шўро ҳокимиятининг бирдан-бир мақсади халқка бахт-саодат келтириш, уни тўқ ва фаровон қилиш деб эълон қилдилар. Ҳатто бу йўлда дастлабки паллаларда одамларнинг орзу-истакларига мос келадиган декретлар ҳам эълон қилдилар. "Ер — дехқонларга! Завод, фабрикалар ишчиларга! Халқларга — тинчлик! Мазлумларга — озодлик!" Нақадар жозибадор гаплар! Ҳаётини ана шу олижаноб идеалларга бағишлаб келган, бу йўлда қанчадан-қанча таъқибларга учраб, муҳтожликлар кўрган зиёлилар учун бу декретлар айни муддао эмасмиди? Айни шу ниятлар билан ижодини нурлантириб келган Ҳамза нечўқ "Яша шўро!" демасин? Нечўқ ишчиларни уйғотишга, ўз эрки учун курашга чақирмасин? Шунинг ҳам айтиш қеракки, бу хитоблар сеҳрига учраган биргина Ҳамза эмас эди. Ҳатто Чўлпон ҳам ўша йилларда ишчиларнинг қонидан қизарган қизил байроқни алқаб оташин шеърлар яратди. Ҳа, шоирлар ҳам одам — улар ҳар қанча зийрак, ҳар қанча зехни ўткир, зўққо бўлмасин, баъзан алданадилар, устмонлик билан қурилган мақр тузоғига илинадилар. Ўйлайманки, кўп йиллар давомида бизга "инкилобий шеърлар" тарзида тақдим этиб келганлари аслида Ҳамзанинг ана шундай мудҳиш алданиши оқибатида тугилган эди. Ҳамзанинг олижаноб идеаллари, миллатнинг истикболи ҳақидаги ўйлари 1917 йилда большевикларнинг шиорларига, баландпарвоз хитобларига мос келиб қолди ва шу туфайли шоир бир даста "инкилобий" шеърларини яратди. Албатта, улар ҳали сўз санъатининг ноёб намуналари даражасига кўтарилган

эмас эди, аммо муайян даражада юракдан чиккани, яъни самимият билан ёзилгани учун таъсир кучидан ҳам махрум эмасди.

"Хамза ва инкилоб" муаммосида шўро адабиётшунослиги олга сурган карашларда эътироз тугдирадиган яна бир жихат бор. Бу шундаки, гўё Хамза "Октябрни севинч билан карши олгандан сўнг" умрининг охиригача унга содик колган ва унинг галабаларини мустахкамлаш учун фидокорлик билан курашган эмиш. Бу фикрга ҳам кўшилиб бўлмайди. Бу караш ҳам хар нима килиб бўлса-да, Хамзадан намунали шўро шоири яшаш учун тўкилган ва шоирни ўзлигидан махрум килишга каратилган.

Далилларга мурожаат килайлик. Большевиклар давлат тепасига келгач, халк оммаини ўз хокимиятини тан олишга мажбур кила бошладилар. Бунинг учун улар зўравонликни ишга солди-ар, халкни кўрkitиб, иродасини синдириш учун оммавий киргин йўлидан бордилар. Большевиклар авж олдирган "кизил" террор зиёлиларнинг кескин норозилигига сабаб бўлди. А.М.Горький, Г.В.Короленко, И.Н.Бунин каби дунёга танилган адиблар большевиклар сиёсатини каттик кораладилар. Рус зиёлиларининг аксарияти норозилигини билдириш ва конли киргиндан сакланиш учун тарки ватан килиб хорижга кочди. Туркистонда ҳам шу ахвол юз берди — большевиклар хокимият тепасига келгандан кейин икки-уч ой ўтмасданок уларнинг хакикий башараси фoш бўлди — улар тилидан бол, камчисидан кон томадиган, хокимиятни кўлдан чикармаслик учун ҳеч канака ёвузликдан, хатто жиноятдан кайтмайдиган одамлар экани кўриниб килди. Масалан, инкилобнинг биринчи кунларида Лениннинг тили билан Туркистон халқларига озодлик ва мустакиллик ваъда килган большевиклар 1918 йилнинг бошидаёк Туркистон мухториятини вахшиёна тор-мор келтирди, уч кун давомида Кўконда мислсиз киргин ясаб, тинч аҳолидан ўн минг кишининг ёстугини курутди, кейин бошланиб кетган фукаролар урушида Фаргона кўчаларида халк кони дарё бўлиб окди. Кўз кўриб, кулок эшитмаган бундай вахшийликларни кўрган шоирлар шундан кейин ҳам большевиклар шаънига мадхия ўкиб, олқишлар ёгдириши мумкинмиди? Халкнинг ахволи чоризм давридагига караганда мутлако ўзгармаганини, Туркистон ҳамон туткинлик ва эрксизлик асоратида эканини, большевиклар махаллий аҳолини назар писанд килмай, унга паст назар билан караб, шовинистик сиёсат юргизаётганини кўриб, кўпгина адиблар ва шоирлар аксилинкилобий мазмунда асарлар ёза бошладилар. Хамза Хақимзода ҳам бу тамойилдан бутунлай четда колмади.

1918 йил 11 январь куни, яъни инкилоб галабасидан икки ярим ой ўтар-ўтмас "Улуг Туркистон" газетасида Хамзанинг "Туркистон мухториятина" деган шеъри босилиб чикди. Кирк беш мисрадан иборат бу шеър мухаммас шаклида ёзилган бўлиб, хар бандининг сўнггида

Кутлуг бўлсин Туркистон мухторияти!
Яшасун энди бирлашиб ислом миллати!

деган хитоб накорат тарзида такрорланиб келади. Шеърнинг бирон жойида Октябрь инкилоби, Шўро ҳукумати ёки большевиклар партияси хақида бирон огиз гап йўк. Аксинча, Туркистон мухторияти "кўнгилларни дилшод" килгани, энди "вайроналар обод бўлиши", "Темурдек шохлар арвохи" турк ўглини курашга чорлаётгани кўтаринки руҳда айтилади ва "ислом давлати"ни бир санжок остида бирлашишга даъват этилади:

Келинг энди бирлашинг ислом миллати!
Кетсин сунний, шиалик, нифок илллати!
Бир санжакка тўплансун, ислом давлати!
Кутлуг бўлсин Туркистон мухторияти!
Яшасун энди бирлашиб ислом миллати!

Инкилобий гоялар чинакамига шоир эътиқодига айланиб улгурган бўлса, социалистик идеални аллақачон ўзи учун дастуриламал қилиб олган бўлса, ҳар бир қадамни инкилоб қаричи билан ўлчаб қўяётган бўлса, Ҳамза Ҳакимзода она юрти Туркистоннинг ўтмишдаги шону-шавқатини тиклашга ундовчи, буюк соҳибқирон амир Темур руҳига тавалло қилувчи шеър ёзармиди?

Эҳтимол, бу шеър Ҳамза ижодида тасодифан пайдо бўлгандир? Эҳтимол, у Ҳамзанинг "ношўровий" мазмундаги яққа-ю ягона асаридир? Балки Ҳамза қай бир сабаб билан ўткинчи қайфият таъсирида бу шеърни ёзиб қўйиб, кейин пушаймон еб, бунақа "куфрона" шеърлар ёзишни йигиштириб қўйгандир? Йўқ, бу фаразимиз ҳам тўғри эмас. 1919 йил 21 май куни "Иштирокиюн" газетасида Ҳамзанинг "Ким йиглар?" деган 14 мисралик газали эълон қилинган. Бу шеъри мазмунига кўра Чўлпоннинг бир-икки йил кейин яратилган "Гўзал Фаргона, сенга не бўлди?" деб бошланадиган машҳур шеърини эслатади, чунки ҳар икки шеърда ҳам Фаргона бошига тушган шўришлардан алам чеккан юракнинг изтироблари, унда қайнаб-тошган газаб-нок туйғулар ифодаланган:

Эй мардуми Фарғна, ахволингга ким йиглар?
Бадбахтлига юз тутган икболингга ким йиглар?
Иффат или номусинг кимлар қўлида барбод?
Курбон ўлан маъсумлар, ахволингга ким йиглар?
Кон йиглатса афлукни отингни хаёлот.
Дарвоқе шу фурсатда аъмолингга ким йиглар?

Ҳамза Ҳакимзода "намунали шўро шоири" бўлмаганига ишонч ҳосил қилиш учун шу икки мисол қифоя эмасми? Қифоя бўлмаса. Ҳамзанинг 20-йиллар бошида яратган тўрт қисмли "Фаргона фожиалари" деган драматик асарини эсланг — унинг номидан ҳам кўриниб турибдики, асарда Фаргона халқининг улуг инкилоб неъматларини шодонлик билан кутиб олган эмас, балки фуқаролар уруши туфайли Фаргонанинг бошидан кечган қонли воқеалар тасвирланган. Бу асарнинг бизгача етиб келмай йўқолиб кетгани бежиз бўлмаса керак. Уни "йўқолиб кетган" эмас, "йўқотиб юборилган" деса, эҳтимол, тўғрироқ бўлар. Баъзи бир ҳамзашунос тадқиқотчилар бу асарнинг мазмуни унчалик "шўровий" эмаслигига, унда "гоявий хатолар" мавжуд эканига ишора қилишган. Асарнинг матни етиб келмаган бўлса-да. ўша пайтларда эълон қилинган тақризларда мазмуни қискача баён этилган "Қахрамон Ўғиз" пьесаси ҳам Ҳамзанинг "намунали шўро ёзувчиси" бўлишдан йироқлигини кўрсатувчи асарлар сира-сидандир. Умуман, Ҳамза 1920 йилдан кейин "шўровий" руҳда асар ёзишдан тўхтади деса ҳам бўлади. Тўғри, у маҳаллий сайловлар, ер-сув ислохоти, хотин-қизлар озодлиги каби "шўровий" мавзуларда бир қатор шеърлар, манзумалар, сахна асарлари ёзган, бироқ улар тор-ташвикий мақсадларни қўзлаган, бадииятдан махрум, умри қиска асарлар эди. Бундан ташқари, уларнинг аксарияти ҳажвий характерда бўлиб, шўро тузумини улуглашдан,

большевиклар сиёсатини кўкларга кўтаришдан узок туради. Албатта, Хамзанинг 20-йиллардаги ижоди ва, айниқса, драматургияси анча ранг-баранг ва теран ҳаётӣ мазмунга эга. Уларнинг ҳаммасини ҳамзашунослар сира иккиланмасдан шўро адабиётининг юксак намуналари деб ҳисоблашган ва ҳатто соиалистик реализм методи асосида ёзилган деб баҳолашган. Холбуки, "Майсаранинг иши" ёхуд "Паранжи сирлари" каби драматик асарларда ҳам "мана, ман" деб кўриниб турадиган шўровий мазмун йўқ. Биз мақоламиз давомида Хамзанинг 20-йиллардаги ижодига яна тўхтаймиз, ҳозирча эса бир фикрни таъкидлаш билан чекланамиз? 1917—1918 йиллар давомида бир даста "инкилобий" шеърлар ёзиб, "совет шоири қандай бўлиши кераклигини" гўё кўрсатган Хамза Ҳакимзода 20-йилларда бу мартабасини бирон бир салмоқли асар билан тасдиқдашга уринмади ҳам.

Сезиб турибман — китобхон мулоҳазаларимни ўқияпти-ю, лекин кўнглида алланечук эътироз гимирлаб, тинчлик бермаяпти. У менга қараб: "Бу ёғи қандок бўлди? Сиз Хамзани "шўро шоири эмас" деб даъво қиляпсиз. Холбуки, унинг шўро одами бўлгани, инкилоб йилларидан бошлаб умрининг охиригача маориф ва маданият соҳасида турли шўро идораларида ишлагани маълум-ку!" деяётган бўлиши муқаррар. Ҳа, бу эътироз тўғри. Мен Хамзани шўро шоири бўлган эмас деяётган эканман, бундан у "аксилшўровий унсур бўлган, шўроларга қарши қурашган, уни ағдариб ташлашга қақирган" деган маъно қелиб қикмайди. Биз бу масалада ҳам жўнрок, юзақирок фикр юритишга ўрганиб қолганмиз. Назаримизда шундайки, бирон ижтимоий тузум муҳитида яшаб ижод этган одам, албатта, шу тузумнинг муҳиби бўлади ва уни, албатта, шу тузумнинг қуйчиси деб аташ керак. Бундай қарашни адабий жараённинг умумий қонунияти даражасига кўтарсак ва адабий қодисаларни шу қонун асосида ба-қолайдиган бўлсак, кўпгина гайри табиий ва сохта ҳу-қосаларга қелақиз. Маълумки, шўро қамонида соиалистик реализм шўро адабиётининг асосий ижодий методи деб ҳисобланарди. Бунга кўра шўро қамонида яшаб ижод этган ижодқорлар соиалистик реализм адабиётининг вақиллари ҳисобланарди. Аммо ҳаёт деган нарса ўжар бўлар экан — у одамлар тўқиб-қичган қолипларга тушавермас экан. Ҳатто шўро даврида ҳам кўпгина шоир ва адиблар бор эдики, сиз ҳар қанча тиришиб-қортишманг, уларнинг асарлари соиалистик реализм қолипига сира тўғри қелмас эди. Масалан, рус адабиётида М.А.Булгақов, Б.П.Пастернак, А.А.Аҳмадова, М.Цветаева қабӣ ёзувчи ва шоирлар шулар жумласидан. Ўзбек адабиётида эса Абдулла Қодирий ижоди, унинг машҳур "Ўтқан қунлар" ва "Мехробдан қаён" қоманларигина эмас, ҳатто "Обид қетмон" қиссаси ҳам соиалистик реализм қолипига сира тушмади. Ҳўш, нима қилиш қерак? Бу ижодқорларнинг ҳаммаси дунёга танилган, адабиётда мақтаб яратган ижодқорлар — шунинг учун улардан юз ўгириб, воз қечиб бўлмайди. Ҳўш, нима қилиш қерак? Шунда қоммунистик мафқура даргалари шўро «қариати»дан йўл топиб, шундай қатво беришди: "совет адабиёти" деган тушунча "соиалистик реализм" тушунчасидан қенг. Бу гап, умуман, тўғри эди, лекин етарли эмас эди. Унинг муқлако тўғри бўлишини таъминлаш учун жиндайгина ўзгартириб, "адабиёт" деган тушунча "совет адабиёти" деган тушунчадан қенг бўлади" демок лозим эди. Дарҳақиқат, биз 20-йилларда рус адабиётида ҳам, бошқа миллий адабиётларда ҳам, ўзбек адабиётида ҳам кўпгина ёзувчиларни кўрақизки, улар шўро ҳудудида истиқомат қилган, шўро паспортига эга бўлган, шўро идораларида ишлаган бўлсалар-да, қоман ва қиссалар, ҳикоя ва қостонлар, шеърлар ва драмалар ёзган бўлсалар-да, "шўро ёзувчиси" ёхуд "шўро шоири" бўлган эмаслар. Бунинг энг ёркин қисоли сифатида Сергей Есенинни кўрсатиш муқкин. У, албатта, шўро фуқароси эди, лекин уни "шўро шоири" деб атасак

анча-мунча сунъийликка йўл кўйган бўламиз. Негаки, у шўро худудида яшагани билан шўро воқелиги унинг учун ижодий материалга айланган эмас, қолаверса, у хали шўровий тафаккур малакаларини эгаллагани йўқ, шўровий дунёқараш ҳам унинг онгига сингиб кетган, унинг яшаш тарзида янгича иқлимни вужудга келтирган эмас. Шу ахволни Ҳамза масаласида ҳам аниқ кўриш мумкин — ҳеч шубҳасиз, у шўро фуқароси бўлган, шўро идораларида ишлаган, уларнинг турли топшириқларини бажарган, сайёр драма труппалари тузган, улар билан бирга фуқаролар уруши фронтларига борган, кейин эса турли вилоятларда бўлиб, халқ онгини ёритишга ҳаракат қилган, хурофот ва бидъатга қарши курашган, янги ҳаётни жорий қилишга уринган. Ҳамза шўро мафкурасининг қай бир жиҳатларига хайрихоҳ ҳам бўлган бўлиши мумкин. 20-йилларнинг бошида унинг партияга аъзо бўлиб кирганини шу билан изоҳласа бўлади. Лекин буларнинг ҳеч қайсиси хали Ҳамзани "шўро шоири" деб таърифлашга асос бўла олмайди. Нега? Гап шундаки, хали революцион воқелик ва революцион мафкура Ҳамза учун ижодий воқеликка, ижод фактига айланиб улгурган эмас. Албатга, ҳаётдаги воқеаларнинг акс-садоси сифатида майдонга келган уч-тўртта шеър хали "шоир учун бутун инқилобий воқелик ижод фактига айлан-ди" деб ҳулоса чиқариш учун етарли эмас. Бошқача айтганда, инқилобий воқелик, инқилобий дунёқараш шоир онгига чуқур сингиб, унинг вужудини қамраб олиб, унинг учун ҳаёт-мамот масаласига айланиб, ижодининг моҳиятини ташкил қиладиган даражага етгани йўқ. Шунинг учун Ҳамза шўро фуқароси сифатида яшашда ва фаолият кўрсатишда давом этган ҳолда хали шўро шоирига ёхуд шўро адибига айланиб улгурмаган эди. Бутун 20-йиллар давомида Ҳамзанинг ижодида ҳам худди Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Сулаймон ижодида бўлгани каби жади́дчилик руҳи устувор бўлиб қолган.

* * *

Жади́дчилик зиёлилар ўртасида XX аср бошларида авж ола бошлаган ижтимоий-сиёсий ва маърифий-маданий ҳаракат бўлиб, умумтуркий характерга эга эди ва ўз олдида туркий халқларни ижтимоий ривожланишнинг янги, замонавий, самарали йўлларига олиб чиқишни мақсад қилиб кўйган эди. Жади́дчилик, айниқса, Туркистонда миллий уйғониш жараёнининг бошланишига қудратли туртки бўлди. Бу жараён мил-атнинг бир ёқадан бош чиқаришини, ахил бўлиши-ни, яхлит бўлиб бирлашишини такозо қилади. Жади́д-лар ўз асарларида "Ватан", "миллат" тушунчаларини олдинга сурдиларки, бу тушунчалар ўша шароитда кишиларни, фикрловчи унсурларни жипслаштиришга қодир омил бўлди. Жади́дчилик ҳаракати XX аср бошларида Туркистонда том маънодаги инқилобий ҳаракат бўлган эди, фақат унинг инқилобийлиги зўравонлик йўли билан қон тўкиб, қиргинлар ясаб ижтимоий тартибларни ўзгартиришга йўналтирилмаган, балки маориф-маданият тарқатиш йўли билан халқнинг онгини уйғотиб, қўзини очиб, тинч-тотув тарзда ҳаётни янгилаш мақсадига қаратилган эди. Жади́длар учун қуроли тўнтарувлар эмас, тинч ислохотлар муҳим эди. Лекин шундай бўлса-да, бу ҳаракат майдонга қелиши биланок чор ҳукуматининг таъқибига учради. Большевиклар ҳокимият тепасига қелгандан сўнг улар ҳам аввал енг ичида, кейин эса очикдан-очик жади́дларга қарши кураш бошлаб юбордилар. Хукмрон мафкура жади́дчиликка муносабатда галати босқичларни бошидан кечирди. Шўро даврида 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Мунаввар қори, Тиллаҳон Салимхонов, Убайдулла хўжа Асадуллахўжаев, Саид Аҳрорий каби зиёлилар ҳибсга олиниб, маъмурий қамок жазоларига мустаҳик қилинган

бўлсалар-да, баъзи бир илмий асарларда хали жади́дларнинг тарихдаги ижобий роли хакида гапириш мумкин эди. 30-йилларнинг ўрталарига келиб эса улар "буржуа мафкурачилари" деб эълон қилинди. Шунга кўра "жадид" деган кимса бирон жихатдан ижобий бўлиши мумкин бўлмаган сиймога айланди. Ойбек "Кутлуг кон" романини битириб, биринчи марта муҳокамага қўйганда, айрим нотиклар Абдишукур образида жади́дларнинг реакцион моҳияти "етарли" фош қилинмаганини таъкидлашди. Адиб уларнинг танқидини инобатга олишга мажбур бўлди. Аммо биз хохлаймизми-йўқми, жади́длар ичида миллатнинг равнақи йўлида чинакамига жонбозлик кўрсатиб, ўз ёнидан мактаблар қурган, дарсликлар ёзган, халқ болаларини бепоул ўқитган, босмаҳоналар қуриб газета-журналлар чиқарган, китоблар чоп этган, турли тўғараклар ташкил этиб, маърифат таркатган фидойи одамлар кўп эди. Шунинг учун баъзан-баъзан йигилишларда ёхуд айрим мақолаларда "жади́длар орасида тараккийпарварлари ҳам бўлган" деган маънодаги гаплар айланиб қоларди. Аммо бунақа гаплар қўллаб-қувватланмас, деворга айтилгандай беоқибат қолиб кетар эди. Журъат қилиб бу гапни ошқора айтганлар эса расмий доираларнинг кўзига хунук кўриниб қоларди. Нихоят, бу масала 60-йилларнинг охирига келганда узил-кесил "хал" қилинди. Ўша пайтларда Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг Биринчи қотиби бўлиб ишлаган Шароф Рашидов ҳузурида бўлган кичикрок йигилишлардан бирида қаҳр билан столни бир муштлаган-у, "жади́длар босмачиларнинг мафкурачиси бўлган, бу ҳақда бошқа гап бўлиши мумкин эмас" деб чўрт кесган. Шундан кейин "жади́дларнинг тузуклари бор" дейдиганларнинг дами ичига тушиб кетган ва ижодини инқилоб йилларида бошлаган ўзбек ёзувчиларининг ҳаммаси жади́длардан бутунлай айириб олинган. Ҳамза Ҳакимзода ижодини баҳолашда, унинг гоҳий-ижтимоий эволюциясини белгилашда ҳам адабиётшунослик ана шу қингир қўчаларга қириб чиқишга мажбур бўлди. 30-йилларнинг биринчи ярмида ҳеч ким ҳеч қанча тортинмай, Ҳамзанинг инқилобдан аввал жади́д бўлгани хакида гапираверар эди. Хатто ўша пайтда чиққан баъзи дарсликларда Ҳамза жади́д адабиётининг вакили сифатида талқин қилинган. Кейинчалик бу гаплар барҳам топди-ю, унинг ўрнига "Ҳамза ижодига жади́дларнинг таъсири" тўғрисида гапира бошланди. Нихоят, шундай замонлар ҳам келдики, Ҳамзани жади́длардан бутунлай айириб олдилар. Бу қийин масала эди, бунинг учун бақрайиб туриб оқина демок керак эди. Айрим адабиётшунослар ҳар қандай тарихий фактлардан кўз юмиб, ўзларининг қулгили аҳволга тушиб қолганларига парво қилмай, бу борада роса "жонбозлик" кўрсатдилар. Масалан, улар Ҳамзанинг инқилобдан аввал ёзган маърифатпарварлик руҳидаги асарларини жади́дларникидан ажратиб олиш учун ўта бемаъни сафсаталарни олға сурдилар — эмишки, жади́длар болаларни китоб ўқишга чақирганда бой-бадавлат одамларнинг фарзандларини кўзда тутган, Ҳамза Ҳакимзода эса улардан фарқ қиларок, қамбағал, қашшоқ, меҳнатқаш халқ фарзандларини илм олишга даъват этган эмиш. Хуллас, Ҳамзани "намунали совет шоири"га айлантириш жараёни уни жади́дчилик ҳаракатидан ажратиб олиш билан қўшилиб кетди. Аммо Ҳамзанинг қим эканини унинг асарлари яққол айтиб беради-ку! Шунинг учун айрим ҳамзашунослар бу борада ҳам шоир ижодини қалбақлаштириш, Ҳамза хакидаги хақиқатни қенг қитобхонлар оммасидан яшириш йўлидан борди. Бир мисол келтирай:

Урушдан кейинги йилларда Ҳамза Ҳакимзоданинг танланган асарлари бир неча марта нашр этилди. Бироқ уларнинг ҳаммаси тарқибига кўра бир-биридан деярлик фарқ қилмас ва Ҳамзанинг хақиқий ижодий қиёфаси тўғрисида тугал тасаввур бермас эди. Бу

китобларга Хамзанинг ок подшога таъзим билан "содик фукарочилик" рухида ёзган айрим шеърлари ёхуд инкилобдан кейин, юмшатиб айтганда, гайри инкилобий рухта ёзилган баъзи бир асарларигина эмас, хатто "Захарли хаёт" ҳам киритилган эмас. 1957 йилда Октябрь инкилобининг 40 йиллиги муносабати билан Хамза Хакимзоданинг танланган асарлари ҳам нашр қилинадиган бўлди. Ўшанда мен бир неча муддат Адабиёт ва санъат нашриётида бўлим мудирини бўлиб ишлаган эдим. Табиийки, китобни нашр этиш масъулияти менга юклатилган эди. Мен янги нашрнинг аввалгиларидан жиндай бўлса-да фарқ қилишини истардим, шунинг учун китобни тўпловчи Юсуф Султоновга "Захарли хаёт" драмасыни киритишни таклиф қилдим. "Бу асар 30-йилларда ҳам адабиёт хрестоматияларида нашр қилинган. Хамза хақидаги ҳар бир мақолада унинг тўғрисида илик гаплар айтилган; ҳозир бу асар ўқув дастурларига ҳам киритилган, аммо ўқувчилар ва талабалар асар матнини тополмай кўп қийналишяпти" деганга ўхшаш далилларни қалаштириб ташладим. Назаримда, бу далилларга эътироз билдириш амри маҳол эди. Бундан ташқари республикада хамзашуносликнинг пешволаридан ҳисобланган Юсуф Султоновнинг ўзи Хамза асарларини кенгрок тарғиб қилишдан манфаатдор бўлмоғи керак эди.

Домланинг ковоғи уюлди. Кошлари чимирилиб, пешонасидаги ажинлар қуюқлашди. Бироз сукутдан кейин у қомил ишонч билан худди ҳукм ўқийдиган судьядек шартта-шартта кесиб гапирди:

— Хамза бизнинг ифтихоримиз, у фақат янги ўзбек адабиётининг яловбардори эмас, бутун совет адабиётининг асосчиларидан бири. Кўп миллатли драматургиямизга бағишланган, Москвада рус тилида нашр этилган ўн жилдлик мажмуа "Бой ила хизматчи" драмасы билан очилган. Шундоқ бўлгандан кейин биз жуда эҳтиёт бўлмоғимиз керак. Хамзанинг шаънига доғ туширадиган иш қилиш ярамайди. Хамзага қарши пичоғини қайраб турган гоёвий душманларимизга баҳона бериб қуймайлик. Бу ишда сиёсий хушёрлик керак.

Бу гапларни эшитиб хайрон бўлдим — Хамзанинг ўзи ёзган тузуккина асар эълон қилинса, бу қандай қилиб унинг шаънига доғ тушириши мумкин? Нима учун Хамзани Хамзанинг ўзидан ҳимоя қилиш керак? Нега энди Юсуф Султон Хамзага оқловчи бўлиш вазифасини ихтиёрий равишда бўйинларига олиб, уни қандай тарғиб қилиш борасида фармонбардорлик қилишни жоиз деб биладилар? Мен бу гапларни айтиб, домлага эътироз билдиришим мумкин эди, лекин айтмадим, андиша қилдим, тўғривоғи, ўзбекчилик қилдим. Чунки у пайтларда "сиёсий хушёрлик" масаласи ўртага тушиши биланок ювошгина бўлиб, бошни қуйи солиб, кўлни кўкракка қўйиб таъзим бажо келтиришдан ўзга илож қолмасди.

Хамзанинг асарлари китобхон қўлига тўлароқ етиб бормоғи учун яна ўттиз йилдан ортиқ вақт керак бўлди. Шунда ҳам қайта қуриш бўронларида коммунистик мафкураининг шартини кетиб, парти қолмагунча бу ишни амалга ошириб бўлмади.

Нихоят, коммунистик устунлар қулади, Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлига қадам қўйди. Замоннинг ўзгариши бошқа соҳалар каби адабиётшунослар олдига ҳам янги вазифалар қўйди — шўролар замонида ҳукмрон мафкура қоллига мослаб ёзилган кўпгина бадиий ва илмий асарларимизни қайта қўриб чиқиш зарурати тугилди. Айниқса, қаттиқ қилинган, асоссиз қораланган ёхуд асоссиз макталиб қўқларга қўтарилган ижодқорларнинг ҳақиқий қиёфасини ҳолисона очиб бермоқ зарур эди. Албатта, бу ишни биринчи бўлиб хамзашуносларимиз бошлаб беришса яхши бўларди. Улар ҳукмрон

мафкура тазйикида канака гайри илмий йўллар тутишганини, Хамзани ўзлигидан махрум килиш учун кандай сафсаталарни, ёлгон-яшиқларни калаштирганларини элу-юрт олдида очик айтиб, Хамза аслида ким-у, кандай ижодкор бўлганини кўрсатиб берсалар, фойдадан холи бўлмас эди. Аммо, афсуски, хали ҳеч ким бу ишга кўл урганича йўк. Нима ҳам дейиш мумкин — ҳеч кимни мажбурлаб тавба-тазарру килдириб бўлмайди, бу иш ҳар кимнинг виждонига хавола. Лекин масаланинг ноҳуш томони шундаки, айрим хамзашунослар холислик ва илмийлик йўлини тутиш ўрнига яна Хамзани янги шароитларга мослашти-ришга ҳаракат килишмоқда. Мен яқинда "Ўзбекистан адабиёти ва санъати" ҳафталигида Хамза тўғрисида бир мақола ўқидим. Унда Хамзани ислом динининг изчил тарғиботчиси сифатида кўрсатишга уриниш бор. Менимча, Хамза ижодига бундай ёндашиш ҳам бир томонламаликдан бошқа нарса эмас. Тўғри, Хамза эътиқодли мусулмон бўлган, ислом динини яхши билган, ҳаж килган одам. Шеърларида ҳам, албатта, унинг диний эътиқоди қай бир даражада ўз ифодасини топган. Лекин шунга қараб, уни динга муккасидан кетган, ашаддий ҳудожўй одам сифатида ёки исломнинг фидойи тарғиботчиси сифатида таърифлаб бўлмас керак. Мен Хамзанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида билганларим асосида қатъий ишонч билан айта оламани, у шўролар пайтида айтилганидек, динга қарши фаол курашган атеист ҳам эмас ва ҳозир айрим хамзашунослар эълон қилаётгандек Хувайдо ва ёки Ҳазиний қаби диний шоир ҳам бўлмаган. У ижодининг биринчи қадамлариданок жаҳид бўлган, унинг ижодий эволюцияси ҳам жаҳидчилик мафкураси ҳудудида содир бўлган. Бирок бу — унинг ижоди ҳар кандай кусурлар ва адашишлардан холи бўлган деган маънони билдирмайди. У изланган, адашган, хато килган ва шу изланишлари билан бирга кимматлидир. У жаҳид сифатида нафакат китобни, янги мактабни, янги маданият ва янги психологияни тарғиб килган, айна чоғда у ватанининг истикболини ҳам ўйлаган, унинг ривожига, миллат раванкига ҳисса қўшишга ҳаракат килган. Унинг жаҳидлиги 1917—1918 йилларда энг юксак нуктага кўтарилди, лекин кейинги йилларда ҳам йўк бўлиб кетгани йўк. Табиийки, бу мулоҳазалар хали атрофлича тадқиқотни талаб қилади. Энг муҳими эса шундаки, бугунги мустикаллик мафкураси кечаги кунда эришган маънавий ютуқдаримиз-дан механик тарзда кўз юмишни такозо этмайди, кечаги маданият ва адабиёт намояндаларидан юз ўғи-ришни талаб қилмайди, аксинча, маънавий-маданий меросимиздаги ҳар кандай бойликни авайлаб-асрамо-гимиз, ҳар кандай ёркин сиймони эҳтиёт қилмоғимизни талаб қилади. Шу сиймолар қаторида аслида Ватан раванки учун курашган, кейин ўзи беҳабар ҳолда шўро адабиётининг яловбардорига айлантирилган Хамза Ҳакимзода ҳам бор.

Озод Шарафиддинов, 2000